



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

4
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

Boish muҳarrir:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Taҳriri ҳайъати:

Максуд АСАДОВ

Рахматулла БАРАКАЕВ

Фулом ИСМОИЛОВ

Баходир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(*боиш муҳаррир ўринбосари*)

Сувон МЕЛИ

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Манзура ОТАЖНОВА

Эргаш ОЧИЛОВ

(*масъул котиб*)

Гулчехра РИХСИЕВА

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқиҷон ТЎХЛИЕВ

(*боиш муҳаррир ўринбосари*)

Алмаз УЛВИЙ

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Хайрулла ҲАМИДОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тон кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 4, 2024

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда сахифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИГА ОИД ИЛК ДАРСЛИК

XX аср бошлари адабий ҳаёти бир қанча адабий ўзгаришларни бошдан кечирди: адабиётта Шарқдан кўра Ғарбнинг таъсири ошди, адабий тур ва жанрлар ўзгарди, янгиланди, аruz вазни ўрнига бармоқ, сочмалар кириб келди, образлар ва шоирнинг ифода услуби янгиланди, шеърга муносабат ўзгарди. Шу натижа ўлароқ янги адабий мухит шаклланди ва бу мухит, ундаги адабий асарлар қонуниятини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Абдураҳмон Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" дарслиги ана шу эҳтиёж натижаси сифатида дунёга келди. Дарслик ўз даври учун адабиёт назариясига бағишлиланган мукаммал манба сифатида ўзбек адабиётшунослигига мухим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Абдураҳмон Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" дарслигини ўзига хос жиҳатлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

1. Олимнинг адабиётшунослик, адабиёт назарияси, адабий танқид борасидаги фикрлари шунчаки фикрлар эмас, йиллар давомида ўрганилган, тадқик этилган тадқиқотларнинг хulosавий қисмидир. Олимнинг адабий таҳлил борасидаги 20 дан ортиқ, адабиёт тарихига оид 30 дан ортиқ, адабиёт назариясига оид 30 дан ортиқ, адабий танқид борасидаги 30 га яқин, педагогика оид 30 га яқин, тилшуносликка оид 10 дан ортиқ асарлари ва мақолалари¹, улардаги илмий-назарий хulosалар дарсликка асос бўлганлиги бу асар қийматини кўрсатиб туриди.

2. Олим дарсликдаги маълумотларни тақдим этишда адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқидга оид 30 дан ортиқ дарслик, энциклопедия, маърузалар тўпламлари, луғатлардан фойдаланган.

3. Дарсликда қиёс услугидан унумли фойдаланилган: ўзбек, қозоқ, татар адабиёти ва мумтоз адабиёт: чиғатой адабиётидаги ижод маҳсуллари билан биргаликда Ғарб адабиёти: рус, француз, инглиз, немис адабиётидаги бадиий асар намуналари тадқиқка тортилган. Бу орқали маълум назарий қонуниятлар ва улардаги ўзига хослик макон ва замон миёсида ўрганилган.

4. Олим мумтоз адабиёт намуналаридан кўра XX аср бошларида ижод қилган шоирлар ижодига кўп мурожаат қилган. Ўзи эътироф этганидек, бундан мақсад – ўз даври адабиёти ва адабий жараённи танитиш, бу хусусда кенгроқ маълумот бериси.

5. Дарслик шунчаки илмий-назарий қоидалардан иборат бўлмай, дарслик тузиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг амалий натижасининг татбики акс этган манба сифатида эътиборга молик. Муаллиф дарсликда "Иш" сарлавҳаси остида ўқувчига назарий қўникмаларни амалиётта татбиқ қилиш имконини берувчи топшириклар беради.

6. Дарслик ўзига хос тушунтириш принципи асосида тузилган: узундан-узун назарий қоидалар эмас, назарий қонуниятларнинг изоҳи ва шарҳига кенг ўрин ажратилган. Адабий жараёнда фаол бўлган 100 дан ортиқ асарлардан намуналар келтирилганки, бу эса олимнинг ўз даврининг синчи мунаққиди эканлигидан далолат беради.

¹ Мўминова Нибуфар Абдуваҳобовнанинг "Абдураҳмон Саъдийнинг адабиётшунослик мероси" мавзусидаги номзодлик диссертациясининг сўнгти қисмида Абдураҳмон Саъдийнинг библиографик кўрсаткичи эълон қилинган (Тошкент, 2002, 143–148-бетлар).

7. А.Саъдий дарслиқдаги адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқидга оид илмий-назарий қарашларни мавжуд манбалардан айнан келтирмайди, улар билан баҳсга киришади, изоҳталаб ўринларни изоҳлайди, янги назарий қонуниятларни, қарашларни тақдим қиласди. Бу борада олимнинг омма адабиётига оид назарий қоидалар ҳақидаги мулоҳазалари, вазн имкониятларини тушунтиришдаги янгича ёндашув: риттата услуби эътиборга молик. Кейинчалик Фитрат "Адабиёт қоидалари" асарида аруз вазни имкониятларини "чилдирма" услубида очиб берган эди.

Дарслик етти бобдан иборат бўлиб, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабиёт танқидга оид илмий-назарий маълумотлар тизимли равиша берилган:

Биринчи боб тил истилохи, унинг маъновий кўлами изоҳига бағишиланган бўлиб, тилнинг бадиий адабиётдаги ўрни, руҳият ифодасидаги юки, турли халқларнинг тил хусусиятлари каби масалаларга бағишиланган. Тил тараққиёти, комиллашиши инсон онгининг тараққиёти, тилдаги ўзгаришлар эса ўша тилда сўзлашувчи миллатнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланиши ёки аксинча таназзулга юз тутиши билан боғланади.

Иккинчи боб "Тилда сўзларнинг қўлланиши ҳам услуг масалалари" деб номланиб, тилда сўзларнинг қўлланиш имкониятлари, тилдаги сўзларнинг услугуга таъсири, сўзлардаги моҳиятнинг кўчиши, кўчим, истиора ва киноянинг ўзига хос хусусиятлари, матндаги сўзларнинг кўчиши каби масалалар хусусида тўхталиниб, ўхшатишларнинг ёзма ва халқ оғзаки ижодидаги ўзига хос хусусиятлари киёсий ўрганилади. Олим фикрни англатишнинг икки йўлини фарқлайди: тўғри англатиш ва суратли англатиш, яъни мажоз воситасида. Суратли англатишнинг 12 йўли тақдим қилинади: сўзларнинг туб маъноларидан кўчишлари, ўхшатиш, сифатлаш, туртма (таъриз – кесатиш), жонлантириш, муболага, қаршилантириш, такрор, савол бериш, нидо, кесищ, билиб билмасликка олиш. Шуниси аҳамиятлики, А.Саъдий тилнинг маъно кўчиш турларини моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда иккига ажратади: ўхшашли кўчим ва ўхшашсиз кўчим. Ўхшашсиз кўчимга метонимия ва синекдоҳа маъно кўчиш турлари, ўхшашлик кўчимга эса метафорани киритади. Ўхшашлик кўчимни майда бўлакларга бўлган ҳолда 14 қисм асосида ўрганади, намуналар келтиради. "1. Бутун ўрнига бўлак (парча) ёки бўлак ўрнига бутун айтилур "Бош соғ бўлса, мол топилур", "Ики қўл қилган шини бир қўл қила олмас" деганда бутун ўрнига бўлак айтилганадир. *Бош, қўл сўzlари каби.* 2. Кўб ўрнига айтилур: *шогирд турмуши, мактаб масаласи, ўзбек адабиёти "Кўзимда эрта ва кеч бир йигин хаёл очилур"* (Чўлпон) душман қочди каби".

Дарслиқда ўхшашлик асосида маъно кўчадиган ҳолат истиора ва кўчимга асос бўлиши ва бу икки турли ҳодисанинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари бадиий парчалар асосида изоҳланади. Бу икки ҳодисанинг иштироки адабий тур танламаслиги Чўлпон, Элбек, Боту, Шокир Сулаймон каби даврдош ва Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Абдулла Авлоний каби мумтоз шоирлар лирик парчалари билан бир қаторда Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Фитратнинг "Чин севиш" каби асарлари мисолида исботланади.

Кўнгил боги сабз экан-да, билмай юрдим.
Умрим гули хазон бўлди, эмди туйдим, –

байтидаги "кўнгил боғи", "умрим гули" каби гўзал истиоралар,

Кўз ёшларим оёгингга тўкарман, –

мисрасидаги ўзига хос қисм орқали бутунга асосланилган маъно кўчиши олим томонидан синчковлик ва бадиий тафаккур билан танланган адабий парчаларданdir. А.Саъдий ана шундай 100 дан ортиқ бадиий парчаларни келтирап экан, улардаги маъно кўчимларини топишни ўқувчига ҳавола қилади. Ташбех ва истиора ўртасидани фарқни сўзнинг ингичкалашиши, нозиклашиши, иқтисод қилинишда кўради ва истиорага ўхшатишдан юқори мартаба беради, ўхшатишдан кўра инсон хаёлотига ортиқроқ завқ беришини таъкидлайди. Олим ўхшатиш йўллари хусусида тўхталганда, моддий нарсанинг моддий нарсага ўхшатилиши, моддий нарсанинг моддий нарсага ўхшатилиши каби турларига намуналар келтиради. "*Ёғди ўқ бошларига ёғмурдек*" мисрасида "*ўқ*"нинг "*ёғмир*"га ўхшатилиши моддий нарсанинг моддий нарсага ўхшатилишишига, Чўлпоннинг машҳур "*Кўнглим каби ийқиқ уйлар, қишилоқлар*" мисрасидаги "*уйлар*"нинг "*кўнгил*"га ўхшатилиши моддий нарсанинг маънавий нарсага ўхшатилишига, "*Менинг сенга бўлгон муҳаббатим мана бу денгиз каби чуқур*" жумласидаги "*муҳаббат*"нинг "*денгиз*"га ўхшатилиши маънавий нарсанинг моддий нарсага ўхшатилишига намуна сифатида содда ва аник тушунтириб берилган. Дарсликдаги сифатлаш, таъриз, жонлантириш, муболага, каршилантириш, такрор, нидо каби бадиий тасвир воситалари ҳам шу шаклда батафсил изоҳланган.

Дарсликда "Тахрир учун маълумот" сарлавҳаси остида мавзуъ ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Маълум бир мавзу доирасида ижодий иш ёзиш ва тахрир кўникмаси, бир мавзуни таркибан бўлиш усули ўргатилиди. Масалан, олим "*Ёзги кеч шаҳарда*" деган мавзусини танлайди, уни план моддаси, яъни мавзу, мундарижа ва гурухларга ажратилиб, уларни жамлаб, йирик қисмларнинг ажратилмасини тузади: 1) *Қуёш ботии олдида*; 2) *Қуёш ботгач*; 3) *Кишиларда кечки ҳаракат*; 4) *Боғча томошасига бориб қайтиши*. Бу тўрт йирик план ўз ичда бир қанча кичик бўлакларга бўлинади. А.Саъдий "*Қуёш ботии олдида*" қисмни: а) уфқда кўриниш б) қуёш ёғдуларининг нарсаларга тушган ранглари с) подаларнинг қайтиши каби; "*Қуёш ботгач*" қисми учун эса а) ер усти ҳам кўк; б) ой ҳам юлдузлар; с) электрик ёғдуси; д) кечки юмшоқ ел; е) жилға ёки ариқларнинг оқиши каби; "*Кишиларда кечки ҳаракат*" қисми учун а) халқнинг турли кийимларда гўзалланиб боғчаларга, томошаларга, истироҳат жойларига оқилишлари; б) кўчаларнинг четларида яёв юргувчилар ҳаракати; с) автомобил, трамвай ҳам аробаларда бир ундей, бири бундай қизғин ўтиб кетишлари; "*Боғча томошасига бориб қайтиши*" сарлавҳали қисмга: а) боқчага – томошага кетишинг; б) боғчада кўриниш, халқ ҳаракати; с) мусика ва унинг сенга таъсири; д) боқчадан қайтишинг; е) қандай таассурот ва қандай хаёллар остида уйқуга кетишинг каби кичик қисмларга ажратишни тавсия қилади.

А.Саъдий дарсликда услуг масаласига батафсил тўхталади. Дастлаб тилнинг бойиш имкониятлари хусусида маълумот беради. Ҳар бир ижодкор ўз услугига эга эканлигини таъкидлаган олим "Яссавий, Навоий... каби чигатой шоирлари, Бобир ва Абулғозий қаби муҳаррирлар ўзларига айrim мустақил услугга эга бўлғу(в)чи одамлар" эканлигини баён қилади. Адабий

таъсир натижаси ўлароқ бир даврда яшаб ижод этган шоирлар ижоди, асар композицияси, сюжет чизифи, образлар тизими ўхшаш бўлади. Демакки, давр услуби ижодкор услубининг йигиндиси сифатида адабий муҳитни шакллантиради. Мумтоз шоир ва замонавий шоирлар услуби улар яшаган адабий муҳитининг мевасидир.

Табиийки, наср, назм ва драматургия услуби бир-биридан тубдан фарқланувчи услубдир. Бадиий асарнинг узоқ умр кўриши "услубнинг кувватидан"дир. Муаллиф услубнинг синфлар билан муносабати хусусида тўхталар экан, ижтимоий хаёт ҳар қандай жанрдаги асар услубига, ижодкор услубига таъсир кўрсата олишини исботлайди. Демакки, "ижтимоий турмушнинг шартларига қараб, тилнинг ва унинг услубининг табиати ҳам ўзгарадир". Услуб очиқлик, кўринишлilik, хиссийлик каби бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар асарларнинг яшаб қолиши ва тушунарли бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Бадиий адабиётда шакл ва мазмуннинг мутаносиб бўлиши муҳим аҳамиятга эга, бу икки ҳодиса бир-бирини тақозо қиласиди. А.Саъдий шоирларнинг бир-бирларидан фарқли жиҳатлари сифатида мавжуд мавзуларга янгича шакл беришлари, янгича услубда ижод қилишларини кўрсатади.

А.Саъдий услубнинг очиқлиги баробарида сўзларнинг соғлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклигини уқтиради. Четдан олинган сўзларнинг ишлатилиши бадиий матн моҳиятига салбий таъсир кўрсатишини намуналар асосида исботлашга ҳаракат қиласиди. "Ажнабийлик ёлғиз-ёлғиз сўзлар олишдағина эмасдир, бу ҳол жумлалар тузишда ҳам бўладир. Бир тил учун энг кўрқинчлиси ҳам шудир. Масалан, илгариги замонда Лутфий, Ҳусайн Бойқаро, Навоий кабилар Эрон ва арабларнинг ёлғиз сўзларининг таъсири остида енгилдилар. Туркий тилида форсий таркиблар ясадилар. Форсий тили руҳида ибора ва жумлалар туздилар. Умархон Амирий ҳам шул йўлдан кетди. Камий, Алмаий ва Фурқатларда ҳам шу ҳолни кўрамиз. Машраб ҳам мундан кутула олмаған. Ҳатто Авлонийда ҳам бу таъсир бордир". Олим Навоий, Элбек, Чўлпон, Боту ижодидан намуналар келтирган ҳолда бадиий матн ичидағи ажнабий сўзнинг моҳияти ва оҳангига шеър матнига мос тушмаганини изоҳлайди.

А.Саъдий услубни бузувчи хусусиятлардан бири сифатида матннаги сўзларни битимдош шаклида (омоним сўз назарда тутилган) келтиришини кўрсатади. Олимнинг фикрига кўра "ёзища, айтилишда бир-бirisига ўхшаган ики сўзни битимдош қилиб келтириш ҳам услубнинг очиқлигин бузадир". Битимдош сўзлар туюқ жанрига асос бўлиб, А.Саъдий бу жанрга оид уч туюқ (Лутфий, Навоий, Бобур)ни таҳлилга тортади. Мисралардаги омоним сўзларнинг маъноларини изоҳлайди.

Дарсликнинг айни бобида "Сўз услуби" сарлавҳаси остида сочма ва тизма услубни бир-биридан фарқлаш қонуниятлари келтирилган илмий-назарий ҳамда амалий матнлар келтирилган бўлиб, олим дастлаб сочма услубни тушунтиради ва "Шажарайи турк" асаридан парчалар келтиради. Тизмани изоҳлашда ҳалқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги шеър тизмаларидағи 4, 5, 7, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16 ҳижоли вазнларнинг амалий натижаларини кўрсатувчи шеърий парчаларни тақдим қиласиди, ҳижо имкониятлари ва туроқланишини "риттата" усули асосида тушунтиради. Дарсликда аруз вазни ва унинг туркий тилдаги имкониятлари хусусида ҳам қисқача тўхталинган, туркий тилдаги 11, 13, 15 ҳижоли вазнлар билан

қиёсланади. Олим томонидан мадд вазни – аруз вазнининг туркий тилга ўзлашишининг асосий сабаби туркий тилдаги араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларнинг микдори кўплиги билан изоҳланади. бутунлай аруз вазнида ижод қилганини таъкидлайди.

А.Саъдий қофияни битим атамаси остида келтиради, битимни тизманинг асосий шартларидан бири сифатида баҳолайди. Шу асосда газал, рубоий, тўртликнинг ўзига хос қофияланиш тизими баробарида оҳанг, вазн ва битим бирлигини бир бутунликда тақдим қиласди. Олим "битимсиз вазн оҳангсиз бир вазн" эканлигини таъкидлаб, битимдош сўзларнинг тўлақонли оҳангдош бўлиши шеърнинг муваффакиятини таъминлашини исботлаш мақсади билан F.Зафарийнинг "Ваннайчахон" шеъридаги "янгратар" билан "интилар" сўзларидаги битимдошлик оҳангни бузишини таъкидлайди. Чунки битимдош сифатида келтирилган сўзлар тўлиқ оҳангдошлик касб этмаган. Шеърдаги "моралар" билан "ўйнатар" битимдош сўзлари ҳам айнан қофиядош эмаслигини таъкидлаб, бу каби битимдошлик шеърдаги умумоҳангдошликни бузишини таъкидлайди. Демакки, олим мисралардаги сўзларнинг асл қофия томиридан бўлишини асосий хусусиятлардан бири сифатида келтиради.

Дарсликнинг учинчи боби омма адабиёти – ҳалқ оғзаки ижоди, жанрлари, образлар тизимида бағишланган. А.Саъдий ҳалқ адабиётини "оғиз адабиёти" деб атайди. У гарчи 8 қисм асосида омма адабиёти ва ёзма адабиётнинг фарқли жиҳатларини кўрсатса-да, улардаги энг асосий тафовутни ғояси, руҳида деб белгилайди.

Дарсликнинг тўртинчи боби "Кишилик ижоди ва унинг турлари" деб номланиб, олим дастлаб бадиий ва илмий ижод тушунчаларини қиёслайди. Фикрни етказиши йўллари: тўғридан-тўғри ёки турли тасвирлар воситасида каби масалаларга тўхталади. Санъатнинг фан сифатида турли соҳаларга таъсири, шеър ва насрнинг санъатга муносабати, санъатнинг ижтимоият билан билан боғлиқлиги каби турли жиҳатлар батафсил кичик сарлавҳалар остида изоҳланади. Олим маълумотларни тақдим этишда ўзига хос услубдан фойдаланган. Кичик сарлавҳаларнинг аксарияти савол шаклида берилган ва саволга жавоб изланган. А.Саъдий бу бобда санъатдаги адабий оқимлар ҳақида жуда кенг ва батафсил маълумотларни тақдим қиласди: ўқувчи, талаба бу маълумотлар асосида адабий оқимлар Шарқ ва Farb адабиётидаги турлича ҳукм сурганини намуналар асосида англаб олиши мумкин бўлади. Чунки муаллиф адабий оқимлар ва уларнинг пайдо бўлиш тарихи, тараққиёти, таназзули ва сабабларини бирма-бир тушунтирган. Маълум адабий оқим вакилларининг асарлари ва улардаги моҳиятни алоҳида изоҳлаган. Бир шоир фақат бир адабий оқим вакили эмас, унинг асарлари моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда турли оқим намуналари бўлиши мумкинлигини асослаб берган. Классицизм, фикрчилик (рационализм), сентиментализм, романтизм, символизм, модернизм, футуризм, ижтимоётчилик, туркумланиш ва бошқа оқимлар ва уларнинг Шарқ ва Farbdagi вакиллари, асарлари таҳлилга тортилган.

Дарсликнинг бешинчи бобида шеърий ижодлар турларга ажратилади, олим хис-туйгуларга йўғрилган шеърни юрак шеърлари деб номлаб, юракчилик шеърларини бир қанча турларга ажратган ҳолда тақдим қиласди: диний юракчилик, ҳарбий-ватаний юракчилик, инқилобий шеърлар, қасида-мадхия, севги юракчилиги – муҳаббат шеърлари, қайғу, мотам шеърлари, ҳажвий юрак шеърлари каби турлар асосида уларнинг ўзига хос жиҳатларини

намуналар асосида изоҳлади. Олим насрни кўчирик атамаси остида келтиради. Кўчирикни юракчилик ва томошалик (драматургия) билан қиёслайди, услугуб ва шаклдаги фарқларни кўрсатади.

Дарсликнинг олтинчи бобида шоирга керак бўладиган хусусиятлар ҳақида маълумот беради. Илҳом, нафосат, доҳийлик масалалари хусусида илмий қарашларни тақдим килади. Бу бобда олим адабий танқид ва мунаққиднинг адабиёт оламидаги мавқеи борасида керакли фикр-мулоҳазаларни келтирадики, бу фикрлар нафақат XX аср бошлари, балки бугунги кун танқидчилиги ва мунаққидларига қўйиладиган талаблар ўзгармаганидан далолат беради.

Дарсликнинг еттинчи бобида насрый асарлар ва уларнинг турли жанрлари: саёҳатнома, хотиротлар, мемуар асарлар, адабий нутқлар, таржима ҳол, ёднома, табиатлама (характеристика), қайднома, ўзимлик (автобиография) кабилар ҳақида маълумотлар келтириладики, бу маълумотларда жанрларнинг тарихий илдизлари ва XX аср бошларида пайдо бўлган насрый жанрлар ва уларнинг намуналари батафсил таҳлил қилинади. Олим бобда дарслик яратиш масъулияти ва қонуниятлари хусусида ҳам тўхталади, тузиладиган дарсликларнинг нима ёки ким учун мўлжалланиши асос сифатида кўрсатилади, талаблари келтирилади.

А.Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" дарслиги гарчи мактаб ўқувчилари учун тузилган дарслик сифатида кўрсатилган бўлса-да, аслида бу китоб университет талабалари учун мўлжалланган дарслик имкониятларига жавоб беради. Муаллифнинг ўзи ҳам асарнинг кириш қисмида кўп бора "талабалар" сўзини ишлатган. Қолаверса, адабиёт назариясига оид жуда кенг ва батафсил келтирилган илмий-назарий маълумотлар, хулосалар университет талабалари имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда тақдим қилинган, бу маълумотлар йирик мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари ва маъruzalari асосида танланган. Дарсликда берилган топшириқлар ҳам амалий машғулот учун мўлжалланган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" китоби адабиёт назариясига оид дастлабки ва шу билан биргалиқда мукаммал қўлланма бўлиб, дарсликда адабиёт назариясига оид барча назарий масалалар етарлича ўрганилган. Ўйлаймизки, ушбу китоб XX аср адабиётшунослигини ўрганишда, давр илмий мактабининг асосий хусусиятларини белгилашда, адабиёт назариясига оид билимларни мустаҳкамлашда мухим манба сифатида хизмат қиласди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдураҳмон Саъдийнинг "Амалий ва назарий адабиёт дарслари" дарслиги, манбалари, таркибий қисми борасида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются "Уроки практической и теоретической литературы" Абдурахмана Саади, его источники и компоненты.

RESUME. The article discusses Abdurrahman Sa'di's "Practical and Theoretical Literature Lessons", its sources, and its components.

Таянч сўз ва иборалар: дарслик, назария, адабиёт, адабиётшунослик, манба, услугуб, адабий тур.

Ключевые слова и выражения: учебник, теория, литература, литературоведение, источник, метод, литературный жанр.

Key words and word expressions: textbook, theory, literature, literary studies, source, method, literary genre.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тилнинг демографик қуввати.....	3
А.Ҳасанов. Шевага хос ибораларда бош сўзининг айрим семантик хусусиятлари.....	9

Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги

Б.Каримов. Закий Валидийнинг "Девони Махтумқули" мақоласи ҳақида....	18
А.Улугов. Махтумкули сабоқлари.....	23
Д.Файипов. Махтумқули шеъриятида ишқ-муҳаббат талқини.....	29
Э.Очилов. Махтумқули ва ўзбек адабиёти.....	32
С.Сарифов. Махтумқули шеърияти ва ҳалқ бахшилари.....	41

Илмий ахборот

М.Худойкулов. Илк жадид матбуотида ҳажвий публицистика.....	46
В.Алимасов. Абу-л Фазл ал-Ҳамадонийнинг ҳаёти ва ижоди	49
О.Ҳамроева. Адабиёт назариясига оид илк дарслер	53
А.Қурбонов. Навоий газалиётида тамсил, таносуб ва истиора уйғунлиги ...	59
М.Мавланова. Ширин образи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	66
Э.Ҳазратқурова. "Бобурнома"нинг Аннета Бевериж таржимасида маданий-адабий мухитга оид қайдлар	70
Д.Азизова. "Ўткан кунлар" романнада архетипик мотивлар трансформацияси.....	75
Ф.Тиллабаева. Ўзбек ва рус фольклоридаги астрономик топишмоқлар киёси.....	80
С.Қурбанова. Шукруллонинг бадиий публицистикаси.....	85
С.Махмудова. Адабий таъсир ва илҳом самараси.....	90
Ф.Низомов. Тарихий воқелик ва характер	94
Ғ.Атаджанов. Усмон Носир образининг бадиий талқинлари.....	99
Д.Зарипова. Навоий ва Ҳувайдо ижодида Иброҳим Адҳам образи.....	103
Д.Ходжаева. Ўзбек тилида расмий эпидейтик нутқий жанрлар тизимининг ўзига хослиги.....	107
О.Хайтбаев. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпқадабий тилларидаги аллофраземалар.....	112
Л.Раҳимова. Тилшуносликда оғзаки дискурсни белгиловчи лингвистик омилларнинг ўрни.....	116
Ш.Аннақурова. Неология ва неография – тилшуносликнинг йўналишларидан бири сифатида	119
О.Ўринова. Қашқадарё лексикасида чорвачилик билан боғлиқ терминлар.....	124
С.Баратова. Ўхшатишнинг лингвопоэтикадаги ўрни.....	127